


Сергелидаги «Октябрь 50 йиллиги» тикув фабрикаси 2-цехининг мотористкаси Людмила Невзгодова партиямизнинг XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, кунлик нормасини 130 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: Людмила Невзгодова. И. Шоиноғомов фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Ўрта Осиёда биринчи

— 1971 йил ҳисобига планга қўшимча 820 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилади! Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш беш йиллик планини муддатидан тўрт ой илгари адо этган Қўйлиқ асфальт-бетон заводининг меҳнаткашлари партия XXIV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ана шундай оширилган мажбурият қабул қилдилар. Беш йиллик маррадан ўзган завод меҳнат аҳли шу давр мобайнида ўн уч миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди.

Урта Осиёда биринчи бор ана шу заводда битум-латекс эмульсияси ишлаб чиқарилдики, бу масса ер ости трубалари ҳамда канализация коллекторларига ётқизилган трубалар устини қоплашда қурувчиларга жуда қўл келмоқда.

Эндиликда канализация трассаларини ётқизиш вақтида битум эритиш учун жойларда махсус печларни ёқиб ўтиришга ҳожат қолмади. Заводда тайёрланган бу эмульсия бир мунча мустаҳкам бўлиб, трубаларни тупроқдан изоляция қилиб туришда ажойиб хусусиятга эга. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Тошкент область «Трансспецстрой» трестига икки юз тоннадан зиёд ана шу қимматли маҳсулот етказиб берилди.

Янги маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда қайнатувчи Е. Арбузов билан цех бошлиғи Э. Григорьянцлар катта жонбозлик кўрсатдилар.

Корхона коллективи ишлаб чиқаришни ўзлаштирган иккинчи янги маҳсулот — резинобитум билан ҳам фахрланади. Кўп йиллик изланишлардан сўнг «Пахтакор» марказий стадионининг буюртмасига мувофиқ ана шундай буюм ишлаб чиқарилди. Стадионнинг чопиш йўлларига ётқизилган резинобитум халқаро стандартга жавоб беради. У Урта Осиёнинг жазирамасига жуда яхши бардош бера олади.

Заводга инерт материаллар ортилган вагонлар кетма-кет келиб турадн. Бир вақтлар бу юкларни тушириш қийин масала эди. Слесарь П. Гаврилов билан бош механик Л. Лемешев ўртоқлар юкларни тушириш учун корхонага келтирилган агрегатни реконструкция қилдилар ва ишга туширдилар.

— Техника тараққиёти туфайли заводимиз бир неча йилдан буён жарима нималигини билмайди,—дейди завод директори М. Асриев. — 1969 ва 1970 йилларнинг ўзидагина механизация йўли билан 20 минг ваган юк тушириб олинди. Масалан, ҳозир темир йўл тармоқлари ва полигон қурилмоқда. Бу полигонда автомагистраллар қурилиши учун зарур бўлган материаллар ишлаб чиқарилади.

В. САМСОНОВА.

БЕШ ЙИЛЛИК ИСТИҚБОЛИ

ТЎНҒИЧ «ЭЛЕКТРИЧКА»

«Ташгипротранс» институтининг коллективи юбилей йилидаги ижодий ишларини яхши якунламоқда. Институт ходимлари «Тошкент — Янгийўл» оралиғида электрлаштирилади г а н темир йўл қурилишининг йигирма етти километрлик биринчи навбатига тааллуқли лойиҳа-смета ҳужжатларининг сўнгги чизмаларини топширдилар.

Энди эътибор Сирдарё станциясигача давом этадиган темир йўлларни электрлаштириш юзасидан ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезлаштиришга қаратилди. Шунинг билан бир вақтда қурувчилар контакт тармоқларини монтаж қилишга таянғарлик ишларини тезкорлик билан олиб боришмоқда. Бир мингдан ортиқ таянч ўрнатилди.

Қурувчилар мавжуд поездга чиқиш майдонларини реконструкция қиладилар ва янгиларини қурадилар. Янгидан бунёд этиладиган павильонларда касса, кутиш залн, буфет ва бошқа ёрдамчи хоналар мужассамлашади.

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун институт ходимлари «Тошкент — Сирдарё» ўртасидаги саксон километрлик темир йўл участкасини электрлаштириш юзасидан барча ҳужжатларни янги йилгача қурувчиларга топширишга қарор қилдилар.

Шундан кейин электр монтажчилар иш бошлайдилар ва таянчларга контакт тармоқларини улайдилар.

1971 йилнинг охирига бориб Узбекистоннинг тўнғич электричкаси пассажирларни таший бошлайди. Шунисн характерлики, электропоезд шаҳар атрофига тепловоз тортиб борадиган поездга нисбатан пассажирларни икки баравар тез манзилларига элтиб қўяди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши. 5 ОКТЯБРЬ 1970 й ДУШАНБА № 235 (6104). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

* ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА

АНВАР ЙЎЛДОШЕВ БРИГАДАСИ

Мана етти йилдирки, Анвар Йўлдошев 159-трестнинг 10-қурилиш бошқармасида ишлаб келяпти. У ўзининг ҳаракатчанлиги, ҳар нарсага қизиқувчанлиги туфайли тез орада қурувчилик касбининг сир-асрорини ўрганиб олди.

Трест раҳбарлари унга катта ишонч билдиришди. Анвар Йўлдошев ҳозир бригадани бошқаряпти. У бошқараётган кичик коллектив 2-уйсозлик комбинатининг иккинчи навбати қурилишида меҳнат қилмоқда. Бригаданинг Абдураҳмон Сотиболдиев, Камолиддин Болтабоев, Олимжон Ҳатамов, Аҳмаджон Акбаров, Сувонқул Тўраев каби аъзолари кунлик нормани 120—130 процентдан бажариб, ўз коллективларига ўрнак бўлишяпти.

Кичик коллектив ўзининг беш йиллик планини аллақачон ниҳоясига етказиб, келгуси беш йиллик ҳисобига ишламоқда. Бригада бошлиғи меҳнатда шахсий намуна кўрсатганлиги учун бир неча бор Бош бошқарма ва трестнинг Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо мукофотларини олишга сазовор бўлди.

— Ҳозирги мақсадимиз, — дейди Анвар Йўлдошев, —съезд шарафига олган қўшимча мажбуриятимизни муддатидан илгари бажариб, ўз сўзимизнинг устидан чиқишдир.

ҲАР БИР ИШДА ТЕЖАМ

Пойтахтимизнинг марказида «Осиё» ресторани қурилишида иш янада жадаллашиб кетди. Гараф Фахриддинов бошлиқ бригада ҳам шу объектда ишлайди. Кичик коллектив кундалик нормасини ортиғи билан бажаришда бригада бошлиғининг ўзи шахсий намуна кўрсатмоқда.

Бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Улар ҳар бир ишда ва ҳар бир материалдан тежаб-тергаб фойдаланишни асосий вазифа қилиб олишган. Бригада аъзолари шу кунгача ўн саккиз тонна арматура, кўпгина бетон ва цемент тежаб қолишди.

МУСОБАҚА ҚИЗҒИН

Чуқурсойда йилдан-йилга кўпгина бинолар ва саноат корхоналари қад кўтаряпти. Керамзит заводи, 2-уйсозлик комбинатининг иккинчи навбати, 410 ўринли кар-соқовлар ётоқхонаси сингари биолар шулар жумласидандир. Ҳозир бу ерда 140 ўринли болалар боғчаси қурилишида ҳам иш қизиб кетди.

Боғча қурилиши 159-трестнинг 10-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда. Объектда Анатолий Горлов бошлиқ дурадгорлар, Иван Литвинов ва Мирвали Миртурсунов ўртоқлар бошлиқ комплекс бригада аъзолари яхши намуна кўрсатишмоқда.

Бу коллективлар объектни муддатидан икки ой олдин фойдаланишга топшириш вазифасини олишган. Шунинг учун ҳам ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, жадал суръатлар билан қурилиш-монтаж, ғишт териш ва пардозлаш ишларини давом эттиришмоқда. Коллективнинг мақсади—партиянинг навбатдаги съездини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олишдир.

Ҳ. ИНАҒОМОВ, бинокор.

ЎЗБЕКФИЛЬМ»НИНГ БИРИНЧИ БАЛЕТИ

«Кўҳна қалъа афсонаси» — Ўзбекистон кинематографчил а р и яратган биринчи фильм-балетдир. Бу фильмга халқ озодлиги учун афсонавий курашчи Темур Малик тўғрисидаги ривоят адабий асос қилиб олинган. СССР халқ артисти Мухтор Ашрафийнинг «Темур Малик» балети фильмнинг музикавий асоси бўлди. Бу балет Тошкент ва Душанбе театрларининг саҳналарида қўйилмоқда.

Массив чиройи

«Бешқайрағоч» массиви йил сайин обод бўлаётир. Яқиндагина Дилкаш кўчаси ва 5-Дадил проездида тротуарлар асфальт қилинди. Қолган кўча ва тротуарларга ҳам асфальт ётқизилянти.

Шунингдек, 17-маршрутли трамвай бекатларига скамейкалар ўрнатилди.

Ўз-ўзига хизмат

Куни-кеча К. Маркс кўчасида ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи сабзавот магазини очилди.

Магазиндан деҳқонларимиз етиштирган турли дала нозу-неъматларини харид қилиб олиш мумкин. Бу ерда қишга тузлаб қўйиш учун помидор, бодринг, карам ва полиз маҳсулотлари сотиляпти.

Магазин ҳар куни эрталабдан кечгача ишлайди.

1971 йил ҳисобига

Сут комбинатининг ишчи-хизматчилари октябрь ойининг биринчи кунидан 1971 йил ҳисобига маҳсулот топшира бошладилар.

Комбинат ишлаб чиқариш ленинча беш йилликда тўла механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди л д и. Улкан реконструкция ишлари олиб борилди. Ана шу туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми олти баравар кўпайди.

Ижодий фикр юритувчилар ана шу вақт мобайнида олтмишдан ортиқ рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан беш йиллик жамгармасига бир юз беш минг сўм маблағ ажратдилар. Масалан, рационализатор Собир Ортиқов сут маҳсулотларини идишларга қуйишда ўлчов аппаратлари клапанлари конструкциясини ўзгартирди. Натижада сут маҳсулотлари бир хил миқдорда ўлчанадиган бўлди. Бундан корхона катта фойда кўряпти.

Шунингдек, новатор ишчи қаймоқ қуядиган автоматни такомиллаштириш буйича ҳам бир қанча таклифлар киритди. Оқибатда ана шу участкада меҳнат унумдорлиги анча ортди.

Рационализатор А. Фомина билан М. Зуйколар ачитқи ҳамда қаймоқ тайёрлашда бир мунча фойдали технологияни ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар. Бундай новатор ишчилар номини кўплаб келтириш мумкин.

Шу йиллар мобайнида комбинат аҳолига эллик миллион тоннадан зиёд сут маҳсулотлари етказиб берди. Ҳозир комбинатда тайёрланаётган сут маҳсулотларининг хиллари йигирма бешдан ортди. Маҳсулот таннархини камайтиришда ҳам бир мунча ютуқлар қўлга киритилди.

Ўз имкониятларини қараб чиққан коллектив йил охиригача беш йиллик планга қўшимча икки миллион тўрт юз минг сўмлик сут маҳсулотларн етказиб беришга қарор қилди.



Толстих Иван Алексеевич номини пойтахтдаги Ильич номли тажрибасинов заводининг йнғув-механика цехи ишчилари ҳурмат билан тилга оладилар. Иван Алексеевич Улуг Ватан урушидан сўнг шу корхонага келиб, ҳозирги кунгача ибратли ишлаб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори, йнғувчи-слесарь Толстих смена топшириқларини 130—135 процент адо этмоқда.

Х. Шодиев фотоси.

Тежам фонди

Гагарин номли Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг ёш ишчилари съездолди меҳнат вахтасида ишлаб, бир неча ўн минг сўмлик маҳсулотни тежаб қолиш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Шу кунга қадар, заводнинг беш юздан ортиқ ёш ишчиси беш йиллик план топшириқларини бажариб, ҳозирги кунда 1971—1972 йиллар ҳисобига ишламоқда. Заводнинг Александр Самойлов, бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси партиямизнинг навбатдаги съездн шарафига тежам фонди ташкил этиш тўғрисида янги ташаббус бошлади. Бу ташаббусни заводнинг асбобсозлик, иккинчи механика цехларининг комсомоллари қўллаб-қувватладилар.

* ТАРИХНИ ВАРАҚЛАБ

МУЗЕЙНИНГ ФАРҒОНА ТОПИЛМАЛАРИ

Яқинда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли М. Т. Ойбек номидаги республика тарих музейининг бир группа илмий ходимлари Фарғона водийси бўйлаб уюштирилган экспедициядан келишди. Музей ходимлари Андижон, Наманган, Чуст шаҳарларида ҳамда Олмос қишлоғида бўлдилар. Улар музей учун хотин-қизлар паранжиси, Чўст дўпписи ва пичоғи, Андижондан эса қўлёзма ва турли топилмалар олиб келишди.

...Бир қўлёзма XIX асрга тааллуқли бўлиб, савдогар Абдуло Ҳалил Ибн Абдулаҳмед номига ёзилган. Бундан XIX асрда Ўрта Осиёнинг Эрон, Ҳиндистон ва Афғонистон каби мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишлари олиб борганлигини билиб олиш мумкин.

Бошқа топилмаларда ҳам Фарғона воҳасининг ўтмишини ҳикоя қилувчи ноёб ҳужжатлар бор. Ҳозир топилмалар ходимлар томонидан ўрганилянти.

* Жаҳон бўйлаб

ИККИ ҚИТЪА САЁҲАТИГА

Бугун

ҳамшаҳарларимиздан катта бир группаси «Аджария» теплоходида Одесса портидан йўлга чиқишди. Улар Ғарбий Африка бўйлаб йигирма тўрт кун саёҳат қиладилар. Туркия, Италия, Марокаш, Мальта, Сенегал, Канал ороллари, Серра-Леоне мамлакатларида бўлишади.

Саёҳатчиларнинг яна бир группаси Ҳиндистон республикасига жўнаб кетди. Улар Деҳли, Агра, Банорас, Мадрас каби шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ва ҳинд ҳалқининг ҳаёти билан танишадилар.

БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИГА

Бугун

Ватанимиз пойтахти Москвада Бутуниттифоқ эстрада артистларининг конкурси бошланди. Ижод ва маҳорат байрамига айланадиган бу кўрик мамлакатимизда санъат янада ривожланиб бораётганлигини намойиш этади.

Конкурсни ўтказувчи ташкилий комитет ўзбек санъаткорларини ҳам Москвага таклиф этган. Қариёқубов номли ўзбек Давлат филармониясининг эстрада артистларидан бир группаси пойтахтга жўнаб кетишди. Улар орасида Эсон Қандов, Карима Узоқова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Малика Аҳмедова, К. Мўминов, Г. Гиёсов,О. Камолхўжаев ва бошқалар бор.

Ўзбек эстрадачилари конкурсда халқимизнинг энг ёқимли ромбахш қўшиқ ва рақсларини ижро этиб, маҳоратларини намойиш қиладилар.

ВАТАНГА 4.400.000 тонна пахта берамиз

ДЕҲҚОНЛАРГА МАДАДКОР

«Ташгекстильмаш» заводи маъмурияти республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳашарчилар бригадасини тузди. Завод комсомол комитети секретарининг ўринбосари Ш. Тоҳиров раҳбарлигида икки юз олтмиш ишчи, инженер-техник ва конструкторлар бригадаси Сирдарё область Киров районидаги «XX партсъезди» совхозига йўл олишди.

Машинасозлар деҳқон тер тўкиб етиштирган «оқ олтин» теримида қатнашадилар.

Ҳа, пойтахтлик машинасозлар ўз маҳсулотлари билан машҳур бўлибгина қолмай, «оқ олтин» теришда ҳам деҳқонларга яқиндан мададкор бўлишмоқда.

Шаҳарликлар ҳиммати

Кеча

пойтахтдаги жуда кўп корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари азамат пахтакорларнинг ҳузурига — ҳашарга отландилар.

Октябрь, Чилонзор, Ленин, Киров, Куйбишев, Ҳамза, Фрунзе ва Сергели районларининг меҳнаткашлари вакиллари Тошкент областининг пахта далаларига чиқиб кетдилар. Ҳашарда шаҳарликлардан 15 мингга яқин киши қатнашди.

Ҳамшаҳарларимиз ўз ҳимматлари билан пахтакорларнинг огирини енгил қилмоқдалар.



Тошкент трактор заводининг бир группа ишчилари Бўка районидаги «Пскент-1» совхозида бўлиб, механизаторларга яқиндан ёрдам бермоқда, техника ремонтига кўмаклашмоқда.

СУРАТДА: инженер С. Саъдуллаев бошлиқ группа иш устида.

Т. Каримов фотоси.

ЖУРНАЛИСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Куни-кеча пойтахтлик нашриёт ва газета-журналлар редакцияларидан юз кишидан ортиқ ҳашарчи Сирдарё областига жўнаб кетишган эди. Улар областнинг Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхози далаларида «оқ олтин» териш ялти.

Пахтакорларга ёрдам беришга дилдан аҳд қилган ижодкорлар дастлабки кумуш толаларини колхоз хирмонига тўкишди.

Уларнинг ҳар бири 70-100 килограммдан пахта теришяпти. Ижодий ходимлар колхоз шийпонларида бўлиб, турли мавзуларда лекция ўқиш ва суҳбатлар уюштиришни ҳамда «Жанговар варақалар» чиқаришни ҳам мўлжаллашган.

Тошкентликлар ҳиссаси

ОТАХОНЛАР ТАШАББУСИ

«Ташсельмаш» заводининг ветеранлари корхона коллективига, ёшларига шанбалик ўтказиш ҳақида мурожаат қилдилар. Кекса ветеранлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юсупов, отахонлардан И. Голованов, Ф. Солиҳхўжаев, М. Зверинцев ва бошқалар мурожаат қилиш билан бирга ўзлари ҳам шанбаликда бошқош бўлдилар.

Коллектив шу куни планга қўшимча равишда юзлаб «занғори кема»лар ишлаб чиқарди.

Бундан ташқари комсомолларнинг катта бир группаси Сирдарё областининг пахта далаларида теримда қатнашди.

ЁШЛАР—ШАНБАЛИКДА

Зўр уюшқоқлик билан ўтди

Пойтахтимиз н и қ г барча корхоналари ва олий ўқув юртлари, ташкилотларидаги ёшлар ажойиб ташаббус бошладилар. Улар дастлабки В. И. Ленининг комсомол III съездида сўзлаган нутқининг 50 йиллигини меҳнатда ва ҳаётда муносиб кутиб олишга бел боғладилар.

Ўтган шанба дам олиш куни бўлишига қарамай, жуда кўп корхоналар ва ташкилотлар кексалар ва ёшлар билан гавжум бўлиб кетди. Цехларда яна станоклар гуриллади. Қурилишларда кўтарма кранлар пишқириб ишлади.

Ёшларнинг ўтказаётган шанбалиги шаҳримиздаги «Ташгекстильмаш» заводида, 3-қурилиш трести, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, «Юлдуз» фирмаси ва бошқа кўпгина жойларда зўр уюшқоқлик билан бошланди.

Шанбаликда пойтахтимиздаги 150 мингдан ортиқ ёшлар актив қатн а ш д и лар. Шулардан 20 мингга яқин киши завод ва фабрикаларда планга қўшимча равишда ишлаб, ўз меҳнатларининг ҳақини беш йиллик фондига армуғон этишди. 30 мингдан ортиқ теримчи пахта далаларида деҳқонларга кўмаклашдилар. Бундан ташқари 60 мингдан ортиқ кишн корхоналарнинг ҳовлиларн. спорт майдонларн. ётоқхоналарни тозалаб ораста қилишда иштирок этдилар.

УРНАК КЎРСАТАДИЛАР

«Узбексельмаш» заводининг комсомоллари завод комсомол комитетининг секретари С. Пўлатов бошчилигида Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликда актив қатнашдилар. Шанбаликда заводнинг тўрт юздан ортиқ комсомоллари уюшқоқлик кўрсатиб, катта ишларни амалга оширдилар.

Ҳар қайси цех комсомоллари ўз ишлаб чиқариш жойларини санитария-гигиена талабига мувофиқ тартибга келтирдилар, станокларни тозаладилар ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Айниқса, 3-цех комсомоллари Муқаррам Мавлонхўжаева бошчилигида фидокорлик билан ишлаб, завод дирекцияси, комсомол комитетининг ташаккурномасини олдилар.

Цехда, айниқса, У. Ҳаётов, И. Давронов, каби комсомолларнинг яхши ишлари барча комсомол-ёшларга намуна бўлди.

●*Китоблар оламида*

„ТОШКЕНТ — ҚАРДОШЛИК ШАҲРИ“

Бугун зебо пойтахтимиз — Тошкентнинг ўн беш кунлик тўйини ойдек ҳусни жамолига файзу камолига, латофатига қараб тўймаймиз. Унинг В. И. Ленин номи билан аталган Қизил майдонидаги муҳташам биноларини, осмонга интилиб турган фаворалари, қуёш чиқиб тоғлар ортидан мўралагач, зарин сочларини тараши учун бегубор кўзгулик қиладиган тиниқ, сокин кўлларини, кафтдек текис йўлларини, санъат саройларини, спорт майдонларини, кошоналарини, томошахоналарини, миллион-миллион кишиларни ўз бағрига олган шинам уйларини, Чилонзори, Сергилиси — ҳамма-ҳаммаси кишини қувонтиради. Тошкентнинг бугунги жамолига боққан ҳар бир киши унга мафтун бўлиб қолади, ижодкори В. И. Ленин бўлган ҳаётбахш дўстликнинг куч-қудратига тағин бир карра тасанно дейди.

Тошкент, 1966 йил 26 апрель. Ҳамиша одамга бошпана бўлган саҳий ер бехосдан тебраниб, кучи етти ярим баллдан кам бўлмаган зилзила бўлиб ўтди. Шундан бир неча соат ўтгач Ўзбекистон пойтахтига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин етиб келишди. Улар шу жойнинг ўзида зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан биринчи навбатдаги тадбирларни ишлаб чиқишга бошчилик қилдилар.

Бугун — орадан тўрт йилдан сал кўпроқ вақт ўтгач, 3,5 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қурилди. Уларни дўстларимиз барпо этишди. Бугунги кунда муаззам Совет Шарқида қуёшдек порлаб турган Тошкентнинг бош меъмори ким деб сўрашса, бир-бирига қондошжондош совет халқлари, деб бемалол айтиш мумкин.

Бизни бундай аҳил қилган, қондош-жондош қилган, бир жон-бир тан қилган улуғ зот Владимир Ильич Лениндир, у тузган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир.

Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга ёрдам бериш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1966 йил 14 июнда тарихий қарори чиқди. Бугун ана шу қарорнинг дўстликнинг ҳаётбахш кучини яққол кўриб турибмиз. **Уч ярим йил мобайнидагина Тошкентда 3 миллион 200 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди.**

Ҳамма дўстлик қонуни билан яшаётган ягона оилада тенгларнинг тенги ўзбек халқи дўстларининг мурувватини, саховатини абадий унутмайди. Дўстларимиз ҳам ўзбек халқининг оғир уруш йилларида кўрсатган жасоратини, олий ҳимматлигини ҳамиша эсда тутадилар. Ахир, аждар халқумли тўпларининг қаҳ-қаҳаси даҳшат солиб турган бир пайтда, ўзбек халқи қўшидек ҳароратли бағрини кенг очиб, етим-есирларни бева-бечораларни ўз бағрига олди. Ўзбек халқининг отахон шоири академик Ғафур Ғуломнинг шундай деб ёзишга чиндан ҳаққи бор эди:

— Сен етим эмассан, ўхла жигарим!

Совет халқларининг дўстлиги ва бbirодарлигига бағишланган «Тошкент — қардошлик шаҳри» китобини варақлар экансиз, ажойиб мақолаларни, кишини ҳаяжонлантирадиган фактларни, суратларни, рақамларни кўрасиз. Китобни Тошкентнома. Дўстликнома. деб аташ мумкин.

Шаҳарни қайта тиклашда совет халқларининг ҳаётбахш ватанпарварлиги, дўстлиги, бирдамлиги мисли кўрилмаган куч билан намоён бўлди. Мана шу фазилатлар қатрада улуғ осмон акс этганидек шу китобда ўз ифодасини топгандир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорига биноан нашр этилган, ўзбек тилида босилиб чиққан бу китоб Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг маҳсулидир. 30 минг нусхада чоп этилган тўпламга М. Қорйев муқаррирлик қилган.

Тўпламда айтилганидек, **одамлар иноқлиги — қуламас қалъа.** Дўстлигимиз шундай бир қалъаки, шундай бир буюк кўргонки, уни қўпоради, уни бузаоладиган куч оламда йўқ.

Китобда, ўзбек шоираси, атоқли адиба Зулфия билан бирга рус шоираси Юлия Друниначинг шеъри, Борис Пармузиннинг «Ер билан суҳбати», Ғафур Ғулом. Мақсуд Шайхзода. Миртемир, Рамз Бобожоннинг «Уйимизга марҳамат» шеъри билан бирга Уйғуннинг «Баҳси», уларга ҳамоҳанг бўлган Петрус Бровканинг нидоси, кўпдан-кўп жонли рақамлар, кишиларни тўлқинлантириб юборадиган фактлар бор.

Тўпламдан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон партия активи йиғилишида 1966 йил апрель кунларида сўзлаган нутқи жой олган. Китобга Москва. Ленинград ва барча иттифоқдош республикалар бир қанча идора раҳбарларининг мақолалари. Тошкентни барпо этган азаматларни тақдирлаш тўғрисидаги тарихий ҳужжатлар киритилган.

Бугунги Тошкентнинг жамолига буюк ўзбек шоири мутафаккир Алишер Навоий ҳам назар солиб тургандек. Китобда унинг ҳайкали ҳам бор. Шеърият мулкининг султони замонамиз Монилларига қараб, ғазал ўқиётгандек, бу ҳаёт богида яхшилик билан от қолдириш, эзгулик билан ном чиқариш нақадар улуғ саодат деб тургандек.

В. И. Ленин Марказий музейи филиалининг муҳташам биноси ҳақида ҳам фактларни топа оласиз.

Улуғ Ленин бундай деган эди: «Биз миллатларнинг ихтиёр иттифоқини.. мутлақо тўла ишончга. қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқни истаймиз».

Тошкент эпопеяси В И. Ленин васиятлари тўла рўёбга чиққанлигининг ва чиқаётганлигининг ажойиб намунасидир.

Бугун дўстларимиз қуриб берган биноларда фарзандларимиз маърифат дарёсидан баҳра олмоқда. Боғча яслиларда бахтиёр фарзандларнинг кулгуси янграйди. Дўстлар бунёд этган туғруқхонада бу ёруг дунёга келган чақалоқнинг овози бутун дунёга эшитилади.

Буларнинг ҳаммаси дўстликнинг меваси, улуғ ленинча доно сиёсатнинг тантанаси. Тошкент чиндан ҳам қардошлик шаҳри. омонлик шаҳри, тинчлик шаҳри, нон шаҳри. шараф-шон шаҳри.

Бугун Махачқалада яни муҳташам биноларни қураётган қардош қирғиз дўстларимизга ёрдам бераётган азамат қурувчилар ҳам шу ҳақда ўйлайдилар.

Дунёда ҳамма нарса унут бўлиши мумкин. лекин дўстлик, муҳаббат кучи, муҳаббатнинг латофати, шаҳримизни бунёд этган кишиларнинг меҳр-муҳаббати асло унут бўлмайди. Дўстлик шаҳри асрлар оша янада навқиронроқ бўлиб, янада соҳибжамолроқ бўлиб асло нурамасдан мағрур тура беради.

Шу дўстлик ҳақидаги китоб қўлингизга тушса. албатта, бир ўқиб чиқинг, рақамлар таронасига Тошкентномаининг садосига астойдил қулоқ солиб, дўстлик буюк неъмат эканлигини яна бир ўйлаб кўринг.

Ҳамидулла ЮНУСОВ,
Ҳамид НУРИЙ.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ



Суратда: Чилонзорнинг В-23 кварталидаги янги турар-жой биноси.

М. Нуритдинов фотоси

●СЪЕЗДДАН СЪЕЗДГАЧА

Янги уйнинг кўрки

Давлат қабул комиссияси уй-жой қурилиши трестига қарашли 54-қурилиш бошқармаси коллективидан учта янги уйни қабул қилиб олди. Шаҳар уй-жой фондига яна беш минг квадрат метрдан ортиқроқ майдонни ўз ичига олган квартиралар қўшилди. Бу уйлар партиянинг икки съезди ўртасида қурилган Қорақамишнинг ҳуснига ҳусн қўшди.

Иккинчи Қорақамиш кварталн кун сайин ўзгармоқда. Ҳо-



зир у аҳорнинг нариги томонида ўнта янги уйни ўзига бирлаштирди. Бу уйлардан учтасида яқинда 96 оила уй тўйлари ўтказади. Бу ердаги квартираларнинг ҳаммаси беш-тўрт хонадан иборат бўлиб, ёруг, ҳар томонлама қулай коридорлар ва бошқа қулайликларга эга. Шуни таъкидлаш лозимки, «Ташгипрогор» архитектори З. Цуладзе томонидан яратилган янги сериядаги уйлар хонадонларга маъқул тушмоқда. Ундаги барча қулайликлар бобаларни ҳам, катталарни ҳам хушнуд этади. Хоналар шинам, ёрдамчи хоналар, алоҳида шкаф ўрнатилган айвонлар, катта ошхоналар, ваннахоналар яшаш учун барча қулайликлар яратади. Хонадонлар, албатта қурувчилардан миннатдор бўлишади. Уларга, айниқса уйларнинг безаги, панеллар, кенг ва ёруг дераза-

лар, ҳар хил рангда товланиб турадиган деворлар ёқади.

Биз «Қўйлиқ-2»ва «Қўйлиқ-3» кварталида фойдаланишга топширилган уйларни кўрганмиз. Шуни тан олиш керакки, Қўйлиқ квартираларн Қорақамишдагига нисбатан анча сифатсиз. Бу ерда Қўйлиқдаги сингари пуфак бўлиб чиққан гулқоғозлар, ўниқир-чўниқир линолеумлар, мендан кетгунча таҳлитида ишланган ванна ва бошқа хоналардаги ўпирилиб кетаётган цементларни кўрмайсиз. Қўйлиқдаги уйларда ҳатто гулқоғозларнинг ранги қанақалигини ҳам билиш қийин эди. Бу ерда эса ҳар бир нарса ўз ишига зўр эътибор билан қилинган. Усталар ўз касби ва меҳнатини ҳурмат қилиши кўриниб турибди.

... Ҳар бир объектдаги қурилишни тамомлаш қурувчиларга катта қувонч бахш этади. Бу уйни қурган кишилар ҳам, фойдаланишга топширган олдидан сайқал берган кишилар ҳам ўз меҳнатидан ҳақли равишда ғурурлана олади.

Комиссия объектни қабул қилаётганда ишдан бўш ишчиларнинг ҳаммаси қурилиш майдонига келишди. Улар комиссия аъзолари билан бирга квартирадан квартирага ўтиб уларнинг гапларига қулоқ тутишди, иш сифатига қандай баҳо берилишини тоқатсизлик билан кутишди.

Биз ўша ерда бригада бошлиқлари Анатолий Петровнч Кузин, Галина Григорьевна Золотова, Учқун Исаев ва мастер Бўри Шарипов билан танишдик.

Анатолий Кузин бошлиқ бригада томонидан монтаж қилинган уйга «яхши» баҳо берилди. Галина Золотова билан Учқун Исаев бригадалари эса янги қурилган уйларга сайқал беришган. У уйларнинг пардозига ҳам юксак баҳо берилди.

Ҳозир жимирлаб кўз олиб турган уйга безак бергунча пардозчилар анча қийналишди. Чунки монтажчилар ва сувоқчилар вақт орқасидан қувиб бу уйларда анча ишларни чала қолдириб кетишган эди. Бўёқчилар, ойначилар ва дурадгорлар ўз дўстларининг чала ишларини битириш учун астойдил ишга киришишди. Сувоқ-мураккаб иш. Графикни ўз вақтида бажариш учун пардозчилар сменадан кейин ҳам объ-



ектда ишни давом эттказишди. Шу туфайли уйлар ўз вақтида фойдаланишга топширилди. Шунинг учун ҳам улар ҳар қанча ғурурлансалар. ўз меҳнатларини кўз-кўз қилсалар арзийди.

Учқун Исаев учун бу уйларни фойдаланишга топшириш ўзига хос маҳорат имтиҳони бўлди. Чунки у бригаданн бошқараётганига унча кўп бўлгани йўқ. Яқингача ҳам оддий бўёқчи эди. Ундан бригада бошлиғи чиқиш ёки чиқмаслигини шу объектдаги ишлар тасдиқлар эди. Эндиликда маълум бўлдики, Исаев одамлар билан ишлашда ва уларни бошқаришда масъулиятни сезибгина қолмай, балки улар билан умумий тил ҳам топа билар экан.

Галина Золотова коллективи тўғрисида ҳам қисқача сўз юритишга тўғри келади. Унинг бригадасида эллик кишн бор. Уларнинг ҳаммаси 1966 йили Россия Федерациясининг турли қурилиш-монтаж поездлари составида зилзиладан зарар кўрган Тошкентни тиклаш ва қайтадан қуриш учун келишган. Улар иш муддати тугагандан кейин ҳам қўёшли шаҳримизда қолиб ишлаш истагини билдиришди. Галина Золотова ўз умр йўлдоши монтажчи Анатолий Золотов билан уй-жойлар қурнш трестига ишга юрди. Галянинг дугоналари сибирлик Люба Перменова, Маша Бутузова, Александра Пивкина ва бошқалар ҳам шу ерда қолишди. Бу йил улар еттита уйга сайқал беришди.



А. Кузин бошқараётган коммунистик меҳнат бригадаси номини олган монтажчилар коллективи тўғрисида ҳам сўз юритиш лозим. Улар монтаж ишларини бажариб бўлгач, бошқа уй-жой корпуслари қурилишига йўл олишди. У объектдаги уйлардан 34-уйни монтажчилар жуда қисқа муддатда — нормадаги 60 кун ўрнига 49 кунда ниҳоясига етказишди. Бригада пешқадамлари тўғрисида гап кетар экан, бригада бошлиғи Анатолий Петрович, Петр Маковлев, электр пайвандчи Иван Белокобыльский, Асқар Мираҳмедов бошқараётган монтажчилар звеносини гурур билан тилга олади. Улар ҳар бир минутнинг қадрига етган ҳолда ўз ишларини давом эттиришни одат қилиб олишган.

Янги уйга кўчиб келганлар бинокорлардан мамнун бўлишади. Чунки улар фақат уй-жойларнигина қуриб қолмай, хонадонларнинг фарзандлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиб, болалар боғчаси, мактаб, магазин, хуллас, яшаш учун кишиларга қандай қулайлик лозим бўлса, барчасинн таъминладилар.

Суратларда: қурувчилардан Асқар Мираҳмедов, сувоқчи Серафима Баранова, Антонина Хабибулина. Улар кундалик нормаларнни ортиғи билан бажармоқдалар.

Рассом Н. Меламед.

МОНГОЛИЯ ГИЛАМЛАРИ

УЛАН-БАТОР. (АПН мухбири). Пойтахтдаги олтинчи саноат кооперацияси артелининг моҳир усталари тайёрлаган, юксак санъат билан тўқилган гиламлар бу ерда куни кеча тамом бўлган республика саноат буюмлари виставкасида биринчи мукофотни олди. Монголия гилам тўқув саноати ҳали жўда ёш. Ҳозир МХР Меҳнат Қаҳрамони бўлган Х. Ханжу. 1946 йилда мамлакатда саккиз кишидан иборат биринчи гилам тўқувчилар бригадасини ташкил этган эди. Ҳозир республикада бу соҳадаги иш мутахассислари уч юз кишига яқин. Ўтган йили улар 1200 гилам тайёрладилар. Шу йиллар ичида улар тайёрлаган маҳсулотларнинг сифати нақадар яхшиланганлигини шундай фактдан кўриш мумкин. Ҳозирданоқ ўн икки бригадага социалистик меҳнат коллективи унвони берилди.

Ўтган йили Монголия гиламлари биринчи марта *катта орбита*га чиқди. Лейпцигда ўтказилган халқаро ярмаркада чеварлардан Нацагнамсурэн ва Цэвэлсодном тўқиган гиламлар олтин медаль олди.

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда Яқин Шарқдаги аҳволни тинч снёсий йўл билан бартараф этиш масаласи юзасидан АҚШ, Совет Иттифоқи, Англия ва Франция вакилларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

(ТАСС).

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

ТОКИО. Бугун Японияда аҳолини рўйхатга олиш бошланди. Бу 1920 йилдан буён ўн биринчи марта рўйхатга олишдир. Ҳозирга қадар Америка қўшинлари оккупация қилиб турган Окинава оролларининг аҳолиси ҳам биринчи марта рўйхатга киритилади.

Аҳоли рўйхатининг дастлабки умумий маълумотлари шу йил декабрь ойигача тайёр бўлади. Узил-кесил натижа 20 ойдан кейин чиқарилади.

(ТАСС).

Планетамиз янгиликлари

РУЛДА ФАҚАТ ҚИЗЛАР

ПРАГА. (АПН—Прагапресс). Бу ерда автомобилларнинг қизиқарли якунловчи пойгалари бўлиб ўтди. Пойтахтдаги автоклуб аъзоси бўлган тўққиз қиз «Москвич» маркали уч совет енгил машинасида бир ҳафта ичида республиканинг қчшлоқ ва қишлоқаро йўлларидан беш минг километр йўл босиб ўтдилар. Камлитражли машиналарнинг спидометрлари ҳар куни етти юз километр йўл ўтилганини кўрсатди. Бу пойга Чехословакиянинг автомобилларни импорт ва экспорт қилишга ихтисослаштирилган «Мотохеда» ва «Мотокоз» деб аталган икки йирик ташқи савдо ташкилоти томонидан ташкил этилди.

Ҳозиргина тугаган автомобиллар пойгасидан кузатилган мақсад республиканинг қишлоқ йўлларида фойдаланиш учун камлитражли бу машҳур машиналарнинг қанчалик яроқли эканлигини аниқлаш эди. Ҳозир ЧССР йўлларида салкам 40 минг «Москвич «қатнаяпти. Яқин вақтларда бу маркадаги машиналарни сотиб олиш анча кўпаяди.

Ҳамкорлик шарофати

Мамлакатимизда қаҳрамон Вьетнам билан бирдамлик ҳаракати чиғдан ҳам умумҳалқ ҳаракатига айланди. Яқиндагина тамом бўлган ва Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинган кунниинг 25 йиллигига бағишланган совет-Вьетнам дўстлиги ойлигининг натижалари ҳам бунинг ёрқин гувоҳидир.

Ойлик кунларида Совет Иттифоқининг барча шаҳар ва қишлоқларида митинглар, йиғилишлар ва кечалар бўлиб ўтди. Уларда совет кишилари Ҳинди-Ҳитойдаги Америка агрессиясини қаттиқ қораладилар, тинч қурилишда ва социализм ғалабаларини ҳимоя қилишда қардош халққа бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларини маълум қилдилар, барча тинчликсевар халқларни Вьетнамдаги ифлос уруш ҳаракатларини тугатиш учун ягона кураш фронтини янада мустаҳкамлашга чақирдилар. Жасур халқ албатта ғалаба қозонишига ишонч билдирдилар.

Совет—вьетнам дўстлиги жамияти мамлакатимиздаги энг оммавий ташкилотлардан бири бўлиб қолди. Беш юздан зиёд саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, илмий ва маданий муассасалар, билим юртлари, унинг коллектив аъзоларидир. Бирodарлашган Одесса ва Хайфой шаҳарларининг аҳолиси, Москвадаги «Красний пролетарий» заводи ва Ханой механика заводи коллективлари, Учинчи беш йиллик номидаги колхоз ва Куанғбинь вилоятидаги Вьетнам—совет дўстлиги номидаги кооператив деҳқонлари, Москва ва Ханой инженерлик қурилиш институтларининг студентлари ва ўқитувчилари ўртасида жуда яқин дўстона алоқалар ўрнатилган.

Ойлик вақтида Вьетнам Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси Бош министри канцеляриясн қошидаги министр Чан Хиу Зик раҳбарлигидаги Вьетнам—Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди. Вьетнамлик дўстлар Москвадан ташқари Ленинградда, Белоруссия ва Туркманистондаги корхоналарда, колхозларда ва ўқув юртларида бўлишди.

Делегация аъзолари митинг ва йиғилишлардаги нутқларида Вьетнамда социализм қурилиши ҳақида, Вьетнам халқи агрессорлар устидан тўла ғалабага қадар курашга тайёр эканлиги ҳақида гапиришди. Вьетнамлик дўстлар совет халқи уларнинг ватанига нисбатан нақадар самимий дўстона муносабатда эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдилар.

—Бизни ишчи ёки студент, колхозчи ёки зиёли — ҳар бир совет кишиси Вьетнамга ёрдам фондига ўз улушини, қўшишга тайёр эканлиги ҳайратга солди, — деди ватанига учиб кетиш олдидан матбуот конференциясида Чан Хиу Зик. —Биз Советлар юртининг бизга кўрсатаётган ёрдамини кун сайин ҳис этиб турибмиз. Корхоналаримиз цехларида СССРдан келтирилган ускуналар ўрнатилган. Кооперативларимиз далаларида совет қишлоқ хўжалиги машиналарини кўплаб учратасиз. Республика кўчаларидан ЗИЛлар, ГАЗлар, МАЗлар бирин-кетин ғизиллаб ўтиб турибди...

Озодлик учун оғир курашда бизни Совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мисли-сиз қаҳрамонлиги илҳомлантирмоқда, — таъкидлади саккиз америка самолётини уриб туширган Вьетнам Демократик Республикасининг Қаҳрамони капитан Май Ван Кионг, —Совет Иттифоқи ва жаҳоннинг барча тинчликсевар кучлари бизнинг томонимизда экан бизни ҳеч ким тиз чўктира олмайди.

А.ВОЛОДИН,
АПН



Италия. Қадимги Риминнинг архитектура ёдгорлиги — Форум саройларидан бири эксперт-ларининг қарорн билан «хавфли зона» деб эълон қилинди. Бу ерда спектакллар қўйилмайди, эндн ман қилинди.

Кейстон-ТАСС фотоси

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ГААГА. Бугун эрталаб шу ерда кўп мамлакатлар парламент аъзоларидан иборат энг кекса халқаро ташкилот — Парламентлараро иттифоқнинг 58 сессияси очилди.

Конференциянинг кун тартибида умумий снёсий мунозаралар ва давлатлар ўртасида регионал ҳамкорлик, мустамлакачиликни ва янги мустамлакачиликни узил-кесил тугатиш йўллари, денгизлар ва дарёларнинг тубидан тинч мақсадларда фойдаланиш, турли мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида парламентларнинг роли сингари муҳим ва актуал проблемаларни мухокама қилиш масалалари қўйилган.

Конференция парламентлараро кенгашнинг янги составини белгилаб чиқади. Бу кенгаш иттифоқнинг конференциялар орасидаги даврда олий органи бўлади. Конференция иттифоқнинг янги ижроия комитетини ҳам сайлайди.

Конференция ишида 60 дан кўпроқ мамлакатдан, шу жумладан, Англия, Болгария, Венгрия, Монголия Халқ Республикаси, Польша, Руминия, СССР АҚШ, Франция, ГФР, Чехословакия, Югославия, Япониядан келган 50 га яқин парламент-аъзолари қатнашмоқда.

Совет парламент аъзолари делегациясига СССР Олий Совети Иттифоқ советининг раиси А. П.-Шитиков бошчилик қилмоқда.

ВЬЕТНАМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг Париж музокараларида қатнашаётган делегацияси Вьетнам проблемасини снёсий йўл билан бартараф этиш тўғрисидаги 10 моддадан иборат машҳур программага муҳим аниқликлар киритди, жумладан, АҚШ ва иттифоқчиларининг қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишнинг конкрет муддатларини белгилади ва Жанубий Вьетнам халқининг орзу-истакларига жавоб берадиган бўлажак коалицион ҳукумат составини конкрет белгилади. Прогрессив жаҳон жамоатчилиги бу ташаббус музокараларда АҚШ вакилларининг айби билан вужудга келган танглиқни бартараф этиш учун янги имкониятлар очиб беради, деб хисобламоқда.

Вьетнамни қўллаб-қувватловчи Совет комитети, дейилади баёнотда, совет жамоатчилигининг кенг доираларн номидан Жанубий Вьетнам республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг адолатли ва реалистик таклифларини қизғин қўллаб-қувватлайди. Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг АҚШ қўшинларини ва унинг агрессиядош иттифоқчиларн ҳамма қўшинларини батамом олиб чиқиб кетиш ва вьетнам халқига ўзининг ички ишларини четдан ҳеч кимни аралаштирмай ўзи ҳал этиш имконини бериш тўғрисидаги қонуний талабларини дунёдаги ҳамма тинчликсевар халқлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет кишилари Вьетнам халқининг қонуний ҳуқуқларини барала ҳимоя қиладилар ва ер юзидаги ҳамма софдил кишилар, тинчлик ва озодликни кадрловчи ҳамма кишилар Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг янги ташаббусини қўллаб-қувватлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

(ТАСС).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«УЧ КАМЧИЛИК ҲАҚИДА»

Газетанинг 29 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Октябрь ошхоналар трёстидан хабар қилинишича, танқидий мақола трест советида муҳокама этилди. Студентлар ва ўқитувчилар учун маиший хизматни яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрилди ва ошхона ҳамда чойхонага янги идиш-товоқ ажратилди. Шунингдек, 150 кишига мўлжалланган янги чойхона қурилиб, у зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ошхона мудири ва бош ошпаз алмаштирилди. Малакали ходимлар юборилди.

«КЎЧАТЛАР ХАНСИРАЙДИ»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 9 июнь сонида босилган танқидий хабарда Куйбишев район ижроия комитетининг эътиборсизлиги натижасида кўпгина кўчатларга сув қуйилмаётгани айтилган эди. Район коммунал хўжалигидан олинган жавобда кўрсатилишича, бу нуқсонлар тугатилган. Ҳозир кўчатларга ҳафтада уч марта сув қуйиладиган бўлди.

Шарқ юлдузи СЕНТЯБРЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг яқинда босмадан чиққан сентябрь китоби ўзбек қаламкашларининг Ўзбекистон ёзувчилари VI съезди олдидан адабиёт ҳақидаги мулоҳазалари билан бошланади. Журналнинг бу сонида ёш ёзувчи ва шоирларга кенг ўрин берилган

«Жаҳон адабиётидан» рубрикаси остида Шиллернинг «Мария Стюарт» шеърий фожиаси эълон қилинган.

«Очерклар» ,«Юбилярларимиз», «Гўзаллик оламида», «Меросимизни ўрганамиз», «Танқид ва адабиётшунослик», «Тақризлар», «Гулқайчи» рубрикалари остида ҳам қизиқарли материалларни ўқишингиз мумкин.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ДАҒАЛ ҚЎЛЛАР

Буришиқ қорайган отамнинг
қўли —
Кечмиш бир умрни эслайман
қараб.
Кафтда шарт кесилган томирлар
йўли —
Тиртиқ бўлиб битган ундаги яра.
Шу хунук, кўримсиз, калта
бармоқлар
Онам сочларини силаган бир вақт.
Беўхшов титраган учрашган
чоқлар,
Довдираган — бошга қўнганида
бахт.
Шу қўллар қўш ҳайдаб, бугдой
уруғин
«Яхшилик уруғи», деб ерга экқан.
Бу кўҳна оламга зафар довруғин —
Таратган ҳам ўша бармоқлар экан.
Умрида билмайин нимадир
қўлқоп,
Қаҳратон аёзлар аччиғин ютган.
Элни қийратганда очлиғу азоб —
Бурда нонни бўлиб дўстига тутган.
Улардан ер ҳиди, нон ҳиди келар,
Ҳар қалай ёқимли улар биз учун.
Биз учун зулматнинг бағрин
тилкалаб,
Бу ғадир бармоқлар кўрсатган
кучни.
Дўстларим, қолмайлик армон
доғида,
У қўлларга ҳали кўмагимиз оз.
Ёнимизда турганда таянч
тоғидай —
Шу дағал қўлларга қўяйлик ишлос.

Рўзимат ОТАЕВ.

Излар

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

«Волга» машинаси қишлоқни тенг иккига бўлиб ўтувчи асфальт йўлдан елиб бормоқда. Йўл ёқалари пахтазор. Беллариға пешгир таққан қиз-жувонларни, бункерларини ғоз кўтариб, пахтазорда сузиб юрган терим машиналарини кўраман.

Мадаминнинг жонига қасд қилинган жойга — ўнинчи бригадага кетяпман. Бригада бошлиғи Назар ака қанақа одам экан? У ҳам тўнини тескари кийиб, сир бермаса-я?

Машина ғийқ этиб тўхтади. Шофер:

— Хирмонга тушасизми ёки бригада аъзолари олдига борасизми? — деб сўради.

— Колхозчилар олдига бориб суҳбатлашаман, — деб машинадан тушдим. Йўл устидаги картада ёш-яланглар пахта териб юришибди.

Ҳосилдан бўшаган қуруқ чаноқлар макинтошимнинг этагидан илқиб, юришимга халал берарди. Уватда турган киши эътиборни тортди. У ерга таъзим қилаётгандай эгилиб-тикланиб пахта теради: кўракни балдоғидан узиб олиб, қаддини ростларди-да, пахтасини ситиб чиқаргач, чаноқни елкаси оша отиб юборарди. Ёнида ўн-ўн бир ёшлардаги бола ҳам бор. У ҳам пешгир боғлаб олган. Шип-шип пахта термоқда.

Чаноқларнинг шитир-шитири, қуруқ гўзапояларнинг оёғим остида қисирлаб синиши ҳалиги кишининг диққатини тортди. Қўлида кўрак билан орқага ўгирилди. Ия, Жаббор ака-ку. Севиниб кетдим. Кўришдик, хол-аҳвол сўраган бўлдим. Бола суҳбатга қулоқ тутиб, оғзини очганича менга тикилиб турарди.

— Комилжон, бўл, болам тезроқ.

— Кимингиз бўлади бу бола? Ақтиғингизми?.* Мадаминнинг ўзгинаси экан-а.

Жаббор акага бир сиқим пахта узатдим. У пахтани пешгирига солиб сўради:

— Одамлар боришдими? На гап айтишди?

— Ҳеч нарса.

— Маткаримов бу ёқда қулоқларини бураб, агарда оғзингиздан гуллаб қўйсангиз, этингизни еган қарғалар бу юртда юролмайди, деган ўларга.

— Наҳотки рост бўлса шу гапингиз?..

— Ҳалиги одамларнинг ўзлари...

— Демак, мени алдашибди-да.

— Йўқ, улар ҳеч нарса билишмайди, Маткаримов шунинг учун ҳам уларни юборган...

— Лекин бу, ўғлингиз масаласини кўрдим-билдим дейдиган одам йўқ сира.

— Мадамин — олтин йигит. Бировга ёмонлик қилишига ишонмайман, — Жаббор ака озгина сукут сақлаб, сўнгра деди. — Сиз бу юришда кечирасизу бирон иш чиқара олмасангиз керак.

Жаббор ака бошимдан оёғимгача кўз югуртириб чиқди. Нима қиларимни билмай у билан хайрлашиб, олдинга юрдим.. Аммо мен яқинлашганим сари тўп-тўп бўлиб пахта териб юрган қиз-жувонлар ҳар ёнга тарқалиб кетишар, сал яқин бориб қолгудай бўлсам, ҳадиксирагандай кўз тагидан бир қараб қўйиб, ўзларини четга тортишар эди. Аввалига эътибор бермадим. Лекин туриб-туриб алам қила бошлади. Нима учун қочишади? Бунинг сабабини кейинроқ билдим. Маткаримов одамларга: «Қишлоққа муҳбир келган. Гап сўраб қолгудай бўлса, тилингизга маҳкам бўлинг, йўқса газетага ёзиб шармандангизни чиқаради», деб қўрқитиб қўйган экан.

Хуллас, қаерга борсам, одамлар мендан ўзларини четга олишаверди. Ҳафсалам пир бўлиб йўл бўйига чиқаётганимда ёним га юк машинаси келиб тўхтади. Унинг кабинасидан раис тушди.

— Аҳмаджон, зерикдингизми дейман, далага чиқибсиз? — деди. Унинг овозида ялинишга ўхшаш оҳанг бор эди. — Меҳмонхонага борсам йўқ экансиз. Агар зериккан бўлсангиз, бирор жойда ўтириш ташкил қилайлик.

— Раҳмат!.. Бошқа гапингиз йўқми?

— Йўқ. Лекин илтимос, мени шу ишга аралаштирманг...

Кўпдан буён ишлайсизми раис бўлиб?

— Урушнинг охирги йилларидан бери. Стаж катта, ука. Ҳеч нарсага ақли етмас экан, деб ўйламанг. Гапнинг рости, бир оз кексайиб қолдик. Ўз обрўйим билан пенсияга чиқиб кетсам, дейман...

— Майли, яна гаплашармиз. Ҳозирча менга рухсат беринг, ишим кўп, — дедим.

Раис сувга тушган нондай бўшашиб:

— Бемалол, Аҳмаджон, бемалол, — деб қўйди...

Ҳис-ҳаяжонга берилиб кетганимдан ётоқхона хизматчиси чой-нон олиб келганини ҳам пайқамай қолибман. Хонада кўп ўтиролмадим, ҳовлига чиқдим. Қуёш олов копток каби уфққа думаланиб бормоқда. Бошимни орқага ташлаб фалак гумбазига тикиламан. Уфқда— қуёш йўлида парча-парча булутлар сузиб юрибди.

— Салом ўртоқ Рустамов!

Рўпарамда совуқ кўзлари семиз қовоқлари орасига яширинган кимса тиржайиб турарди.

— Келинг, — дедим унга.

— Ҳали салом берсам пайқамадингиз шекилли, индамай ўтиб кетдингиз...

— Кечирасиз, — дедим хижолат бўлиб,— паришонхотирлигим бор.

— Зиёни йўқ. Баъзан мен ҳам шундай бўламан.

У кирза этигини ерга тап-тап урган эди, дув-дув чанг тўкилди. Сал нарироқ кетгач, этигининг ўрни яққол қорайиб қолди.

— Кечирасиз, сиз бизнинг меҳмонимизсиз. Уйда чой-нон тайёрлатган эдим. Шунга...

Ҳамсуҳбатимга бошдан-оёқ разм солиб:

— Сўраганнинг айби йўқ, ўзингиз ким бўласиз? — деб сўрадим.

— Менми? Колхоз парткоми-ман.

—Маткаримовмисиз? Учрашганимдан хурсандман.

— Райкомда эдим. Сўраган экансиз? Юринг бир пиёла чой ичиб гурунглашамиз.

— Мадамин масаласида икки оғиз гапиришмоқчи эдим!

Маткаримовнинг яланоқ юзи қип-қизариб кетди, сўнгра оқарди, қанчари бўртиб бурни тағин ҳам ингичка тортиб — чўзилиб кетгандай бўлди.

— Бу... туҳмат, ўртоқ Рустамов. Усиб-унишингни кўра олмайдилар.

— Масалан ,кимлар?

— Одамлар-да.

— Ўша одамларни билсак бўладими?

— Бўлади. Мисол учун Мадаминнинг отаси... Бормайсизми бизникига? — деди у ердан бош кўтармай. Ҳозиргина овқатланганлигимни айтиб, узр сўрадим. У ноилож изига қайтди.

Ичкарига кириб, хаёлан туриб қолдим. Жаббор аканинг: «Бу юришингиз билан ҳеч иш қила олмайсиз» дегани эсимга тушиб, кулиб қўйдим.

*. Ақтиғ — невара.

КУНЛАРДАН БИР КУН...

Москвада бўлган бир учрашувда тасвирий санъат мухлислари Херлуф Бидструпдан:

— Қанақа карикатуралар муваффақият қозонади! — деб сўрадилар.

— Менимча, мавзунинг актуаллиги ва образнинг табиийлиги асарнинг муваффақиятини белгилайди, — деди Бидструп. — Тасвирланаётган персонаж ўз прототипига фотографиядан кўра ҳам кўпроқ ўхшаши керак. Ана шунда асар фақат бошқаларга эмас, карикатура қилинган шахснинг ўзига ҳам таъсир этади. Масалан, мен бир бош министрни донмо хўпасемиз қилиб тасвирлар эдим. Ўша жаноб ҳозир автомобилдан воз кечиб, пиёда юришга одатланди...

●

«Ричард III» драмаси қўйилаётган пайтда бош ролни ижро этувчи таниқли актёр Сулливан:

— От қани! Отни келтиринг! От келтирган одамга ярим подшолигимни бераман, — деб қичқирибди. Пастда ўтирган беёқим томошабинлардан бири одамларни кулдириш ниятида актёрга мурожаат этиб:

— Жаноб Сулливан! От ўрнига эшак ҳам бўлаверадими? — дебди.

— Албатта бўлаверади, — дебди Сулливан. — От ўрнига эшак миниш айб эмас. Қани, тезроқ кела қолинг.

●

Таниқли инглиз ёзувчиси Ричард Шеридан ўзининг бир комедиясида Англия умум палатасини таниқид қилган экан. Ёзувчи бу қилмиши учун судга берилибди. Суд: «Ёзувчи парламент аъзолари олдида чўккa тушиб кечирим сўрасин», деган қарор чиқарибди. Шеридан Англия палатасига бориб, суд қарорини бажарибди ва ўрнидан туриб, тиззаларини қоқибди-да:

— Бу палатанинг ичи қанчалик ифлосланиб кетган-а, — дебди.

●

Николай Иванович Пирогов Париж шахрини айланиб юриб, медицина академиясига кирибди. Машҳур хирург у ердагиларга ўзини танитмабди ва залга кириб, профессор Нелатоннинг лекциясини тинглабди. Профессор Нелатон рус хирурги Пироговдан биринчи марта амалга оширилган мураккаб операция ҳақида лекция ўқибди. У лекциясини тамомлаб:

— Агар истовчилар бўлса, мазкур операцияни мурда устида тажриба қилиб кўрсин, — дебди. Пирогов қўл кўтариб, ўрнидан турибди-да, ўз операциясини такрорлабди. Профессор Нелатон хурсанд бўлиб кетибди ва Пироговга юзланибди-да дебди:

— Машҳур Пироговга, Парижда ҳам сизнинг издошларингиз бор, деган мазмунда телеграмма юборамиз. Сизнинг фамилиянгиз нима, ҳамкасаба!

Машҳур хирург ерга қараб жавоб бериб-ди:

— Пирогов менман...

●

Бир машҳур шоир йигитлигида бир қизни севиб қолган экан. Аммо қисмат уларни бир-биридан ажратиб юборибди. Узоқ йиллар ўтгач, машҳур шоир билан ўша аёл учрашиб қолишиб, бирга кечирган онларини эслабдилар.

— Сенинг машҳур шоир бўлишингга мен сабабчиман, — дебди аёл суҳбат орасида. — Менга етиша олмадинг, менинг ҳажримда шеърлар ёзиб, элга танилдинг...

Бу гап шоирнинг иззат-нафсига тегибди. У ҳалиги аёлга дебди:

— Агар бировларни шоир қилиш қўлингдан келса, эрингни ҳам шоир қилиб кўрчи!

Машраб БОБОЕВ.

Равно

Насрий достондан парча

ҲАММА нарса Чимёндан бошланди. Ҳаддан ташқари кўп чўмилганимиздани ё кечаси ўделяда ётганимиздани, белим шамоллаб қолган экан, каникулдан қайтиб ўқишни бошлаганимиздан кейин зирқиллаб оғрий бошлади. Мен бу оғриқни қолиб кетар, деган умидда бепарво юравергандим, врачлар қўймасдан даволанишга буюришди.

Поликлиникага кирганимда мени йигирма тўрт йигирма беш ёшлар чамасидаги тўлагина жувон кутиб олди. Саломимга совуқроқ аликолди-да, қўлимдаги қоғозимни ўқий бошлади. Сўнгра чойшаблар билан ажратилиб қўйилган бўлмаларнинг бирига бошлаб кириб, «Ҳозир ҳамшира келади», дедию чиқиб кетди.

Бир пайт нариги хонада жаранглаган кулги эшитилди. Дам ўтмай бизнинг хона эшиги очилиб, кимдир енгил қадамлар билан кела бошлади.

— Ҳеч ким йўқми?

— Бор.

— Ие, нега чақирмадингиз! — деди қиз. — Кампирми, чолми?

— Йигит!

— Йигит?! — Қиз бир оз жим қолди. Сўнг яна хонани тўлдириб кулди. — Ростданам йигитми? Йигитларнинг ҳам бели оғрийдими?!

Жуда ҳам хижолат бўлиб кетдим. Рост-да! Нима қилибманки, ҳозирданоқ белимдан киши сингари атрофдаги ҳамма нарса кўзимга ғалати кўриниб борар, бу ҳолат мени қаёққадир бошлар, қаёққа, нима учун - кетаётганлигимни ўзим ҳам билмас эдим. Бир пайт шундай оёгим тагида «Волга» тўхтади. Шофер кабинадан бошини чиқариб нималардир деб бақирди, лекин нима деганини тушунолмадим. «Волга» жўнади. Мен йўлимда давом этдим.

Кўчада қанча ,юрганимни билмайман, ётоқхонага келсам ,чироқлар ёнган. Асрор каравотда ётиб китоб ўқирди.

— Ие, кеч кирдими? — дедим ажабланиб.

Асрор менга ҳайрон бўлиб қаради:

— Кеч кирдими эмиш! Яқинда тонг отади!

— Қўйсанг-чи! — дедиму ўзимни каравотга ташлаб хаҳолаб кулдим. Бирам кулдимки...

— Нима бўлди сенга? — Асрор ҳайрон бўлиб, тепамга келди. Мен унинг саволига тушунмадим, яна кулдим.

Асрор қўлларимдан ушлаб яна нималардир деди. Гапига жавоб бермаганимдан кейин негадир оғзимни ҳидлади, пешанамни ушлаб кўрди. Мастликдан ёки касалликдан бирор асар тополмади шекилли, нима қиларини билмай бошим устида туриб қолди. Мен эса бу қадар девона бўлганимнинг сабабини гўё энди топдим. Оғзимдан беихтиёр:

— Шаҳло! — деган сўз чиқди.

Асрор воқеага тушуниб жилмайди.

— Мажнун! — деди-да, ўзини устимга ташлади. Иккаламиз олишиб каравотдан аганаб тушдик...

Ётоқхонада чироқлар ўчган, ҳамма ухлаган эди. Фақат бизнинг хонамиз ёруғ, иккаламиз ҳамон полда аганашиб ётардик. Бел оғриғи ҳам сезилмасди.

Мен ошиқ эдим..

— Ҳамма қум пастга оқиб, тушганда чақиринг, — деб чиқиб кетди.

Хонага яна бир-иккита одам кирди. Ҳамшира уларни бўлмаларга жойлаштириб, ўтган-кетганда менинг бўлмамга ҳам бош суқиб: «Иссиқ эмасми?» деб сўраб турди.

Қум соатнинг қуми иккинчи томонга оқиб тушиб бўлди. Ҳамширани чақирай деганимда қандай қилиб чақиришни билмайман. Ғалати ҳолга тушиб қолдим ҳозир... Таваккал ,нима бўлса бўлар, деб индамай ётаверадим. Хуллас, ҳамшира келди.

— Ие, тамом бўлибди-ю, нега чақирмадингиз?

— Кечирасиз, — дедим қалтираб-титраб, — эсимдан чиқиб, қарамабман.

Бўлмадан чиқдим. Ҳамшира даволаниш қоғозига белги қўйди-да:

— Эртадан кейин келинг, — деди.

Хонадан учиб чиқдим. Ҳатто, раҳмат ёки хайр дейишни ҳам унутибман. Ичкаридаги ҳам иссиқдан, ҳам ҳамшира олдида ўзимни йўқотиб қўйганимдан роса димиқиб кетган эканман, кўчага чиқишим билан кўкрагимга шабада тегди. Ўпкамни тўлдириб нафас олдим. Сигарет тутатдим. Кўнглим ёришди-ю, юрагим яна дукиллаб ура бошлади. Намадир ичимда типирчилар, ташқарига чиқишга интилар, лекин чиқа олмасди. Шодлигим борган сари ортар, ширакайф авторнинг ҳажвия ҳикоясини ўқиб, жилмайиб қўйди.

— Сатирага жуда ишқибоз кўринасиз. Бунингиз жуда соз. Қолдириб кетинг, кўрамиз...

— Раҳмат.

— Э, тўхтаб туринг, йигитча! Илгари ҳикоянгиз бирор ерда чиққанми?

— Йўқ, биринчи марта сизларнинг газетангизда кўринсам девдим...

— Ҳимм... Шунақа денг!.: Бизда кўринишингиз қийин бўлармикин?

— Нега, оқсоқол, ҳозиргина дуруст деган эдингиз-ку!

— Дурустликка- дурустку-я! Бизгача бирор адабий газетада кўринишингиз керак. Шундан кейин бу ерга келинг.

— У газетада кўринсам, бу ерга келиб нима қиламан!..

Л. НУРИ.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.

ОНА

Она шамдай сўниб кўзини юмди,
Бироқ умидини узмасдан кетди.
Кеча бор эди-ю, бугун йўқ энди,
Юракни титратиб оламдан ўтди.
Бутун қишлоқ турди оёққа қалқиб,
Қишлоқ онасига тутдилар мотам,
Булутлар ортидан чиқмади балқиб,
Маъюс тортди кўкда қуёш ҳам.
Она!
Бу сўзга бош эгмаган ким, ким!
Дунё уни кўрган ёруғ юз билан.
У ўзидай улуғ, инсондай қадим,
Узгартириб бўлмас бошқа сўз
билан,
Унинг ўз жаҳони — катта бир
олам,
Меҳри қуёш довруғидан устундир.
Унинг қалби билан яралар одам,
Олам ҳам шу билан тўла —
бутундир.
Оналар қадрини она билармиш,
Узларидан сўраб кўринг яхшироқ.
Она-она экан!
Бағрига олмиш
Ўзидай заҳматкаш жонни бу
тупроқ...
...Кўклам келди.
Барқ урди олам.
Она қабри узра ёнди қизғалдоқ.
Дунё ташвишда гўё Ерда ҳам
Она ўз қабрида ётади уйғоқ!

Ойдин ҲОЖИЕВА.

СЕВИНЧИМ

Далага борар эдим,
Сой бўйини ёқалаб,
Ўзим ҳам
тушунмаган
Севинчни дилга
қалаб,
Кун ботарди,
ботмасди —
Ёлғиз ўша
севинчим,
Даладан қайтар
эдим
Бир боғ ўтин
орқалаб,
Сойлар нозига
ўхшаш,
Қушлар созига
ўхшаш,
Опанинг «сийғлим»
деган
Ҳуш овозига ўхшаш,
Куй излардим
бетиним,
Ўй излардим
бетиним
Муҳаббатдан
яшнаган
Диллар розига
ўхшаш.
Даврaларга
кирдиму
Қўшилдим
суҳбатларга,
Терс ўгирдим
юзимни
Аламга,
ғурбатларга.
Не бахтки, топдим
уни —
У севинчим Шеър
экан!
Тўлди менинг
ҳаётим
Куй билан
журъатларга.



Сенга шодлик тўла ҳаётим,
Орзуларим сенга—бир жаҳон.
Дилда жўшиб меҳрим,
соғинчим,
Қайтмоқдаман мактаб,
мактабжон!





Қуйида сиз журнални безаб турган иллюстрациялардан намуналар кўриб турибсиз. Ундаги пахтакор-механизатор сурати журналнинг биринчи саҳифасида берилган. Пастда эса Р. Чинмирзаевнинг «Қўй келади қўзи билан» очеркига ишланган иллюстрация. Унда республикада хизмат кўрсатган чорвадор, «Ҳурмат белгиси» орденининг соҳибаси, икки сайловдан буён Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турсуной Авезова тасвирланган.

ГУЛҚАЙЧИ

Н. БАПУЛИ.

Редакторнинг иши

Иккита кичик ҳикоя ёзиб, редакцияга олиб келган йигитга адабий ходим:

— Айтмоқчи бўлган фикрингиз дуруст. Бироқ тилингиз ғализ экан. Айниқса, ҳикоянинг охири бўшашиб кетибди. Уни қайта ишланг, — деди...

— Мен бир ёзганимни қайта ишламайман, — деди ёш ёзувчи.

— Танланган асарларингизни нашрда тайёрлаганда нима қиласиз!

— У редакторнинг иши-ку, мулла ака! — деди ёш ёзувчи.

Редакцияда

Газетанинг бўлим мудири ёш

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ

САФИМИЗ САРДОРИ

Инсон гўзаллиги унинг фазилатида, дейишади. Ҳақиқатан ҳам, кўринишидан соддагина бўлган бу кишига қачон кўзимиз тушмасин, унинг тимсолида иродали, меҳрибон, дилкаш киши гавдаланади. Бошидаги чуст дўпписи ҳам ўзига жуда ярашиб тушган. қулимсираб турган чеҳрасидан кишиларга зўр ишонч белгиси балқиб туради. Касби ҳам оддийгина. Қуювчи. Лекин унинг ўз ишига берилиб кетгандаги ҳолатини кузатиб турсангиз, чинакам меҳнат гаштини чуқур ҳис қиласиз. Ҳақиқатда ҳам, 1400 градус ҳароратда эритилган чўянни қолипларга қуйиш кишидан озмунча чидам, ирода талаб қилади дейсизми?! Бироқ олдида улуғ мақсадлари бор кишига меҳнат машаққатлари сезилмас экан.

Мана, Эргаш ака Абдураззоқов юзидаги терни сидириб ташлар экан, навбатдаги қолипларга қуйилаётган чўянниng нормал ҳолатини кузатиб боряпти. Негаки, жиҳозларнинг бежирим чиқиши қуювчиларнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Эргаш аканинг юзидаги табассумидан эса ўз ишидан кўнгли тўқлиги сезилиб турибди. Тўғриси, қуюв цехи заводимизнинг юраги ҳисобланган учун ҳам, шаҳримиз қурилишидан кўплаб муҳим буюртмалар келиб туради. Бундай кезларда Эргаш ака эрталаб ишга келиши биланоқ, бугунги ишлари режасини тузиб чиқади. Сўнг дам қолиш учун тайёрланадиган қоришманинг холатини кузатиб борса, дам цехнинг саранжомлигини назорат қилиб боради.

Яқин-яқинларда ҳам, цехдаги қуюв ишини ўн икки киши бажарарди. Эндиликда, Эргаш аканинг таклифи билан саккиз киши бемалол уддалаяпти. Биргина бекор турган кранинг ишга туширилиши тўрт ишчи кучини тежаб қолиш имконини берди. Бу, цехга анчагина фойда келтириши билан бирга, меҳнат унумдорлигини ҳам оширди.

Эргаш ака сафимизга янги келиб қўшилган ёшларни ўз касбларини пухта эгаллаб, коллективимизга мустаҳкам ўрнашиб олишларида ҳам меҳрибон устоз. Шунингдек, ёшларнинг меҳнат фаолиятларинигина кузатиб қолмасдан, уларнинг орзу-истакларига, интилишларига қараб, қалбларига йўл топаётган ҳам Эргаш ака. Айниқса, унинг, ёш қолипчи Михаил Биков қалбига тўғри йўл топиб, қайта тарбиялаганлиги барчамизда яхши таассурот қолдирди.

Михаил Биков ишга янги келган кезларида хушмуомала, меҳнатсевар йигит эди. Ҳатто, сифатли маҳсулот бериб, корхонамиз ёрлиқларини олишга ҳам муяссар бўлганди. Лекин нима бўлди-ю, кўп ўтмасдан, у ишга спиртли ичимлик ичиб келиб, ҳамкасблари билан жанжаллашадиган ва тез-тез ишдан прогул қиладиган одат чиқарди. Мишанинг бу қилиқлари коллектив муҳокамасига қўйилиб, огоҳлантирилди, танбеҳ берилди. Лекин буларнинг бирортаси ҳам Мишага кор қилмади. Ҳатто, Мишадан ҳамкасбларининг ихлоси қайтиб, уни ишдан бўшатиб юборишни сўраб завод маъмуриятига ариза ҳам бермоқчи бўлишди. Лекин кўп йиллик хаёт тайрибасига эга бўлган синчков Эргаш ака Мишанинг биринчи бор адашиб турганлигини англаб, уни насиҳат йўли билан тарбиялашга ахд қилди. Негаки, яхши сўз—дил озиғи, деб бекорга айтишмаган.

— Яхшининг боши ошда, ёмоннинг боши тошда, ўғлим,— деди Эргаш ака Мишага насиҳат қиларкан.— Ёшлигингда ҳунар ўрган, уни эъзозла. Ҳунарлилар тупроқдан қаср қурса, ҳунарсизлар тўғри йўлида ҳам қоқилиб юради. Мен сендек вақтимда Польшагача жанг қилиб борганман. Чап қўлимнинг икки жойидан ўқ тешиб ўтган, лекин тақдиримдан норозиланиш йўқ. Керак бўлиб қолса, икки сменада ишлашга, ҳам қувватим етади. Чунки кўпчиликнинг ташвиши билан юрсанг, кучингга куч қўшилиб кетар экан. Тенгқурларингни қара.. ҳаммаси қувноқ йигитлар. Ўқишяпти, ўрганишяпти, ҳаётнинг чинакам гаштини суришяпти. Сен ҳушёрхонани «гуллатиб» юрсанг яхши эмас-да! Коллективнинг юзини ерга қаратган киши ҳеч қачон муродига етолмайди. Коллективинг қўш-қанотинг, ўғлим!

Миша хижолатдан бошини қуйи солиб ўтирарди. Маълум бўлишича, укаси билан жанжаллашиб қолибди-да, унга ўчакишиб, мотоцикл олмоқчи бўлиб йиғиб юрган пулини ичиб юборибди. Ишхонада уни коллективдан ажратиб яккалаб қўйган. Айниқса, ҳушёрхонада ётиб чиққанидан кейин, ўзини янада якка ва ожиз ҳис қила бошлабди. Илгариги обрўсини йўқотган Миша, эндиликда, фақат ўзини ўйлаб иш тутаётган экан.

Мишанинг ҳасратини диққат билан тинглаб ўтирган Эргаш ака унга маслаҳатлар берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. Бунга ҳам кўнгли тинчимасдан Мишанинг орқасидан ётоқхонага бориб, унинг ҳаётидан хабардор бўлиб турди. Қўлидан келган ёрдамини аямади.

Бир куни Миша касалхонага тушиб қолди. Эргаш аканинг маслаҳати билан келлектив бўлиб уни кўргани бордик. Ўшанда Мишанинг кўзларидан қувонч ёшлари тирқираб чиқиб кетди. Шунақа, қоллектив меҳрининг оташи ҳам зўр бўларкан. Ўшанда Эргаш ака Мишага ҳазиллашиб шундай деганди:

— Ўзинг ҳам зап йигитсан-да, Миша. Қалбингда ҳақиқий ёшларга хос меҳр-муҳаббат бор. Интилсанг, ўзасан, орзу қилсанг, етасан.

Ҳақиқатда ҳам, ҳозир Миша интиляпти, ўзаяпти. Санитария-техника жиҳозлари заводининг қуюв цехига кириб борсангиз, юқори ҳароратда эритилган чўянни қолипларга чаққонлик билан қуяётган йигитни кўрасиз. Бу — ўша Михаил Биков бўлади. У, эндиликда, шаҳримиз қурилишидан тушаётган муҳим буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилишига ўз ҳиссасини қўшаяпти. Коллектив билан ҳамнафас, ҳамкасбларининг орқасидан енгил қилиб обрў топаётганлигидан ўзи ҳам хурсанд.

Ҳа, ўзи яхшининг — сўзи яхши, дейди, доно халқимиз. Ўзининг одамийлиги билан ёшлар қалбига тўғри йўл топиб, уларни тарбиялаётган, яхшиликка ундаётган Эргаш ака Абдураззоқов сафимизнинг сардори.

Комил НИШОНОВ,
кранчи.

АЖОЙИБОТЛАР

ЕР ЮЗИДА ҚАНЧА ҲАШАРОТ БОР?

Энтомологлар ҳар йили ҳашаротларнинг қанчадан-қанча минг-минг турини топиб, қайд этадилар. Ана шу қашфиётлар суръати камайиш у ёқда турсин, аксинча, ортиб бормоқда. Ер юзида тахминан уч миллион турга яқин ҳашарот бор деб тахмин қиладилар. Агар ер юзида шу қадар кўп ҳашарот тури бўлса, у ҳолда алоҳида ҳашаротлар қанча бўлади? Бунинг ҳисобига етиб бўлмайди!

Ер юзидаги этномофвунларнинг сонини ҳисоблаб чиқишга статистика қонуниятн асос қилиб олинган: буни «турли-туман индекс» деб атайдиларки, бу тирик туркумларни ўлчайдиган белгидир. Албатта, маълумотларни математик таҳлил қилиш ва ишлаш методларидан фойдаланилган.

Ҳисоб қилиб кўрилганида, кишининг ҳаётига келмайдиган натижа пайдо бўлди. Ҳашаротларнинг сони шунчалик кўпки, бир рақамдан кейин ўн саккизта нуль қўйишга тўғри келади. Ер юзида миллиард-миллиард ҳашарот яшайди. Бунчалик катта рақамни тасаввур қилиш ҳам қийин. Афтидан, бошқа бир статистика тушунарлироқ бўладиганга ўхшайди: ер юзидаги аҳолидан ҳар бир кишига 250 миллион ҳар хил ҳашарот тўғри келади.

Бу ҳашаротларнинг юзтасидан тўққон тўққизтаси зарарсиз, қолганлари ҳатто инсонга фойдалидир. Ҳашаротларнинг бор-йўғи бир проценти одамларга зарар етказади, лекин ана шу «бир процент» шунчалик каттаки, чет эллик баъзи бир мутахассислар шу бир процент «инсониятга хавф туғдираётганлиги»ни кўришмоқда. Бу хавфда шу нарса шубҳасизки, ҳашаротлар инсониятга жуда катта иқтисодий зарар етказади.

Ҳозирги вақтда фан энтомологик тадқиқотларни кенгайтирмоқда. Франциялик профессор Реми Шовеннинг «ҳашаротлар олами» деган китобида мана шу соҳадаги кашфиётлар ва қидириш йўллари тўғрисида қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб берилади. Бу китобни «Мир» нашриёти босиб чиқарди. Китоб машҳур илмий ходим А. И. Халифманнинг таҳрири остида ва унинг кириш сўзи билан нашр қилинган.

Д. СМИРНОВ
(ТАСС мухбири).

ОШИҚ-МАШУҚ ЭГИЛУВЧАН ДАРАХТ

Якутияда Оймякон тоғларининг этакларида одатдагидан кўра бутунлай бўлакча—пак-пакана кедр дарахтлари ўсади. Маҳаллий аҳоли бу дарахтни стланник деб атайди. Қадимда эвенлар, якутлар ана шу дарахтларнинг баргидан дамлаб суюқ дори тайёрлаб, бод ва милк касалликларини даволашган.

Чекка шимолда ҳамиша кўм-кўк турадиган бу ягона дарахт янги йил арчаси сифатида ҳам хизмат қилган. Лекин бир неча юз километрга чўзилиб кетадиган ўрмонларда ҳам қишда энгашадиган бу дарахтни топиш унчалик осон эмас.

Хўш, нега энди қийин? Оймякон кедр дарахти тоғларнинг этагидан то чўққисига қадар доира шаклида саккиздан ўнтадан бўлиб ўсади ва буғдойзорда ғарам қилиб қўйилган буғдой боғларини эслатади. Ҳар бир тўдаси бир-биридан беш-олти метр оралиқда бўлади. Дастлабки совуқ тушиши биланоқ пак-пакана кедр дарахтлари бамисоли мажнун толдек бирдан энгашади-да, шоҳларини кенг ёзиб, ерга худди елпиғичдек ёпишиб қолади. Уларнинг устини қор босади. Шунинг учун бирорта шоҳи ҳам кўринмай қолади. Афтидан табиат пакана кедр дарахтларини муҳофаза қилиш тўғрисида ўзи «мехрибонлик кўрсатса» керак. Ахир, шимолий ярим шардаги бу жойларда совуқ жуда қаттиқ бўлади.

Апрель, май ойларида шимолга кўпдан буён кутилган баҳор келганида, энгашувчи дарахтлар қадрини кўтариб, яна уч метрлик бўйини тиклаб олади.

Д. БУБЯКИН
(ТАСС мухбири).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—6|X да **Ойжамол**, 7|X да **Оқ қуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|X да **Бой ила хизматчи**, 7|X да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5|X да **Тошболта ошиқ**, 7|X да **Ёшликда берган кўнгил**, 8|X да **Бахт тўйи**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ЎРГАТИЛГАН АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — РСФСРДА хизмат кўрсатган артист ВЛАДИМИР БОРИСОВ

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта: кундуз соат 3, кеч 8 да, якшанба кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

Кино

5, 6 ОКТЯБРДА ҚИШКИ БИНОДА

Халоскорлик —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ДРУЖБА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яшаш даври —«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Асунта, бехато от!—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Анупама — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бахтли киши — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Бахтли киши —«ФЕСТИВАЛЬ».
Халоскорлик—«ХИВА».

7 ОКТЯБРДА ҚИШКИ БИНОДА

Халоскорлик —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яшаш даври—«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Асунта, бехато от!—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Анупама — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бахтли киши—«МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Бахтли киши—«ФЕСТИВАЛЬ».
Халоскорлик—«ХИВА».

15 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Куйбишев кўчаси, 20 уйда техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

В. М. Денисов: «Ўрта Осиёдаги кичик сув йиғилиши ҳавзалари юзасидан ёмғир туфайли ҳосил бўлган сув тошқинларини ҳисоблаш» деган темада:

К. В. Мукун: Аралашмаларнинг гидродинамикадаги айрим барқарормас масалалари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

15 октябрь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси. Бош корпус, Г-304 аудиторияда тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. А. Музаффаров «Оммани атеистик рухда тарбиялашни кучайтиришда Бухоро область партия ташкилотининг фаолияти (1959—1970 йиллар)» деган темада;

А. А. Тўраев: «Қўриқ ерни ўзлаштиришда Ўзбекистон комсомолининг қатнашуви (1956—1966 йиллар)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет кутубхонаси (Куйбишев кўчаси, 10 уйда танишиш мумкин.



ТЕЛЕВИЗОР

5 ОКТЯБРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18,00** Болалар учун ўзбек тилида кинофильм.

Рус тилида: 18.25 «Советский воин» телевизион журнали. **19,25** «Ахборот» информацион программаси. **19,40** Ёзувчилар— партиямиз съездига. **20,00** Реклама.

Ўзбек тилида: 20.10 Оламда нима гап? **20,40** «Ахборот» информацион программаси. **20,55** Новеллалар телевизион театри. С. Зунунова. «Елғизлик». **21,35** Янгиликлар. **21.40** Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллиги шарафига «УЛУҒБЕК ЮДДУЗИ». Бадиий фильм. **23.20** Кўрсатувлар прогреммаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18,00 Ўқитувчи экрани. **18,30** 7—9-синф ўқувчилари учун физикадан. «Ультратовуш ва унинг қўлланилиши». Ўқув фильм. **19.00** Сиртдан ўқувчи студентлар учун физикадан машғулот. **19.25** Сиртдан ўқувчи студентлар учун немис тилидан, 1-машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20,00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20,15** «Фан —ишлаб чиқаришга». Тележурнал. **20,45** «Кузнинг бир куни. Телевизион бадиий фильм. **21.00** Янгиликлар. **21.30** «Жодугар» Телевизион бадиий фильм. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Симфоник куйлардан концерт. **00.45** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КУРСАТАДИ

18,00 Экран—болаларга. **18,30** Эфирда «Молодость» **19.00** Рус тилида янгиликлар. **19.20** Ҳужжатли фильм. **19.40** Ленинча экономика мактаби. **20.00** «Баҳористон» тележурнали. **21.00** Оқшом эртаклари. **21.10** «Улар шарқ томон бордилар». Бадиий фильмнинг 1—2 серияси (рус тилида).



РАДИО

5 ОКТЯБРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17,00 Татар ёзувчиларининг янги китоблари (татарча). **17.20** Қозоқ куйлари.

18.00 «Наманган зарбдори». Қурувчилар учун эшиттириш ва концерт (ўзбекча). **19,20** Композиторлар К. Жабборов ва Ғ. Тошматов асарлари. **20,00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси **20.40** Куйлар. **20,55** «Саломатлик—туман бойлик» (ўзбекча). **21,00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта терими илғорлари учун эшиттириш ва концерт. **22.20** «Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар, сизлар учун». Концерт (русча). **22.40** «Замондошларимиз». Адабий эшиттириш (ўзбекча). **23.30** Футбол. ЦСКА—«Пахтакор». Москвадан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Республика композиторларининг камер асарлари. **19.30** Социализм мамлакати халқлари қўшиқлари. **20,00** Ҳинд ёзувчиларининг ҳикоялари (тожикча). **20,20** «Рост» мақомидан парчалар. **21.00** Рус классик адабиёти. А. С. Пушкин. «Векат назоратчиси» радиоинсценировкаси (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 Тожик куйлари. **16.30** Рябов. «Сорочий ярмаркаси». Музикали комедия (ўзбекча).

18,30 Д. Фурманов. «Чапаев». Радиопостановка (русча).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газетасига 1971 йил учун обуна бўлиш эълон этмоқда

ОБУНА—«Союзпечать» агентликларида ва алоқа бўлимларида қабул қилинади.

ОБУНА НАРХИ—1 йилга 6 сўм;
6 ойга 3 сўм;
3 ойга 1 сўм 50 тийин.

✻ *ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!*

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

МАЙДА БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР

Голиков. В. П. 1926 йилда туғилган. «Оргтехстройматериал» нинг СКТБ тажриба заводи слесари. Маст ҳолида уйда жанжал кўтарганлиги учун ўн суткага қамалди.

Березин. У. А. 1916 йилда туғилган, Октябрь оҳионалар трестига қарашли 11-ошхона ошпази. Маст ҳолида бемор хотинини ҳақорат қилгани учун ўн суткага озодликдан маҳрум этилди.

Бекбоев. А. С. 1927 йилда туғилган, Пассажир ташиш бирлашмасига қарашли 5-таксомотор парки шофери. Маст ҳолида уйида хотини билан жанжал қилганлиги учун ўн суткага қамалди.

ҲУШЁРХОНАДА ТУНАГАНЛАР

Сатторов. А. Ш. 1951 йилда туғилган. Тошкент темир йўлининг тепловоз депоси слесари.

Сафонов. Е. П. 1937 йилда туғилган. «Ташсельмаш» заводи фрезерчиси.

Юсупов. Х. 1941 йилда туғилган. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси юкчиси.

✻ ҲОДИСА

Якка-якка

Тонг... Ҳали осмонда юлдузлар чамаси сўнгамнча йўқ. Хўрозлар у ер-бу ерда бирин-кетин қичқира бошлади. Одамлар ширин уйқу оғушида маст эди. Ана шунда, қўлига апланарса кўтарган уч йигит тулкидек ҳадиксираб, ўзларини гоҳ муюлишга, гоҳ пана-пастқамга уриб, гараж томон яқинлашиб борарди.

— Намунча ғимиллайсан, «лойқаозон!» — дўрилладн сочи лайлак ининдек паттайиб кетган бўйи узун йигит, шеригига дакки бераркан.

— Юрагим паришон бўляпти, «терагим». Яхшиси, қайтайлик. Тонг отиб қолди, — тўнғиллади у.

— Овозингга «тормоз бер», қўрқоқ! — мушт ўқталди бошчилик қилаётган узун бўйлиси.

Улар гаражга етиб олишди.

Уч бургут бир чумчуққа чанг солгандек, гараж қулфига баравар ёпишишди. Ҳаш-паш дегунча, гаражнинг икки қулфини лом билан қўпориб ташлашди. Эшик «гийқ»иллаб очилди. Бу «мунгли» товуш узоқ-узоқлардан ҳам эшитилди. Гараждан ўн одимча наридаги Лисунова кўчаси, 11 уйнинг тўртинчи қаватидаги Людмилани бу овоз таажжублантирди. Людмила ўрнидан турди ва гаражга қаради. Гаражга уч кишининг бирин-кетин кириб кетганини илғаб қолди. У ҳовлиққанча эри Валентин Сопугалцевни уйғотди. Валентин тезда ҳушёр тортиб гараж томон югурди. У гаражга етганда, ўғрилар мотоциклни олиб қочмоқчи бўлиб туришган эди.

Валентин чаққонлик билан эшикни ёпди. Ўғрилар бор кучларини тўплаб эшикка ёпишдилар. Икки ўртада қаттиқ кураш бошланди. Улар Валентиннинг ўғил оёғи эшик орасига сиқилиб қолганидан фойдаланиб, гараждан чиқиб қочишди. Валентин оёғининг қаттиқ шикастланган бўлишига қарамай, ўғрилар ортидан қувди. У «қора шарпа»ларнинг бирини тутиб олди. Валентин ўғри билан олиша кетди. Якка-якка олишувда Валентин ўғрини таслим этди. Шу пайтда, Валентиннинг жияни Евгений ёрдамга етиб келди. Қолган икки ўғри жуфтакни ростлаб қолган эди...

Ҳамза район ички ишлар бўлимининг терговчиси, капитан Т. Эркаевнинг хабар беришича, ўғри Авиация техникумининг 4 курс студенти Юрий Половинишков экан. Унинг ҳамтовоқлари қўлга олинди. Ўғрилар тегишли жазосини олишади.

Бизни бир нарса таажжублантиради. Юрий Половинишков ва унинг ҳамтовоқлари-ку қўлга тушиб жазо олади. Хўш, уларнинг ота-оналари жамоатчилик ўртасида қайси юз билан юрган экан! Ёки, «Ўғлимиз, шўхлик қилиб қўйибди, шунга ҳам жазо бериб-тилар-да», деб милиция ходимларини айблашаётгандир!!...

Авиация техникумининг маъмурияти Юрийнинг ўғрилик қилганидан хабардормикан! Ёки, улар ҳам хабар топшган бўсалар, «Наҳоткн, наҳоткн...» деб бош чайқашаётгандир!

Р. ХУЖАМОВ,
А. НОРҚУЛОВ.

Тошкент оқшоми 4 бет. 5 октябрь, 1970 йил.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горнома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579, НАШР 3123 Р—01846